





# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

янада самарали бажаришга тўққонли килаётган қатор муаммолар ва камчиликларни аниқлашди.

Депутатлар таъкидлади-ларки, мамлакатнинг айрим минтақаларида янги корхона-ларни ўрнатиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш, фермер ва деҳқон ҳўжаликларини ташкил этиш ҳамда кенгайтириш, кичик корхоналар, микрофирмалар барпо этиш, хусусий яқка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан иш ўрин-

ларини яратиш борасида оқшай ҳолатлари мавжуд. Расмий равишда тақдим этилган материаллар ва маълумотномаларда ноҳолис маълумотларни акс эттириш ҳоллари ҳам учрайди ва улар бу соҳадаги статистика маълумотларини шакллантириш ҳамда таҳлил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Депутатлар буларнинг барчаси бундай таъсирга йўл қўймасликка доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишини талаб этишини билдирдилар.

2011 йилда иш ўринла-

ри ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни атрофдаги муҳожама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Муҳожама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилди ҳамда муҳожама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Матбуот хизмати.**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАСИ

давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирidir

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иктисодий ислохотлар аҳолининг ҳар жиҳатдан тўқис ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Хусусан, табиий соҳасидаги ислохотларни ҳам бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Конституциямизда ҳар бир инсон малакали табиий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг ушбу ҳуқуқини рўйбга чиқариш борасида нафақат давлат идоралари, айни чоғда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шу жумладан, маҳаллалар ҳам салмоқли ўрин тутадилар.**

Маҳаллаларимизда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган тартибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда, ҳатто юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам “Соғлом она — соғлом бола” миллий дастурининг мазмун-моҳиятини, ундан қўзланган пировард мақсадни тушунайдиган киши топилмас керак. Эътиборли жиҳати шундаки, биргаликда олиб борилаётган мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли истиқлол йилларида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи 3 баравардан кўпроққа камайишига эришилди.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда спорт ҳам алоҳида ўринга эга. Шундан келиб чиқиб, юртимизда болалар ва хотин-қизлар ўртасида, шунингдек, оилавий спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Яъни давлат ва жамоат ташкилотлари, хусусан, маҳаллалар фаоллари аҳоли

орасида оммавий спорт ва жисмоний тарбиянинг инсон саломатлигига ижобий таъсирини хусусида кенг тушунтириш ишларини олиб боришмоқдалар.

Юртимизда она ва бола,

кўрсатиш илмий маркази, 10 та ихтисослаштирилган республика илмий-амалий табиий, шунингдек, перина-тал ҳамда скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Қишлоқлардаги ноқулай

томонидан юртимиздаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилди. Шу билан бирга, “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига кўра, юртимиз болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган 10 та етакчи давлат қаторига киритилди.

Жорий йилнинг 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро симпозиумда

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

умуман, аҳоли саломатлиги ҳақида гап кетар экан, бу борада Президентимизнинг сиёсатини қўллаш зарурати ислоҳ қилишга оид фармонлар киши топилмас керак. Эътиборли жиҳати шундаки, биргаликда олиб борилаётган мазкур саъй-ҳаракатлар туфайли истиқлол йилларида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи 3 баравардан кўпроққа камайишига эришилди.

фельдшерлик-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулатория ва участка касалхоналари ўрнида аҳолига дастлабки табиий ёрдамни кўрсатишга ихтисослаштирилган мутлақо янги, сўнги русумдаги табиий анжом ва жиҳозлар ҳамда олий маълумотли мумамалиёт ва оилавий шифокорлар билан таъминланган 3200 тадан ортққ замонанги қишлоқ врачлик пункт(ҚВП)лари барпо этилди.

Дарҳақиқат, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини синдиришни янги шакл ва услубларини жорий этиш, ҳудудлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда, маҳаллий муаммо ва касалликларнинг кўрсаткичлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҚВП шифокорлари иштирокида аниқлаш орқали профилактика чораларини кўчатириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиси асосида аҳолига касалликнинг олдини олишнинг афзалликларини тўлиқ тушунтириш, бунда жамоатчилик, хусусан, маҳалла ёрдамидан янада кенг ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, табиий соҳасига оид қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳаллалар иштирокини янада кенгайтириш ҳам айни мудоаидир.

**Зухра БОТИРОВА,**  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатаси депутати.

# АТРОФ-МУҲИТ МУВОЗАНАТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

каналлар ва коллекторлар куриш ҳамда уларни тозалаш чоғида ҳосил бўладиган чиқиндилардан фойдаланишда лицензиялар олиш талаб қилинмаслиги белгилаб қўйилди.

Шу маънода, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқишлиги кўзда тутилган Қонун билан “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётгани айни мудоаидир.

Минерал хом ашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона фойдаланилишини, ер қаъри, атроф-муҳит муҳофазасини, шунингдек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишни кўзда тутувчи мазкур ҳужжат қатор ўзига хос жиҳатларга эга.

Авалло, ушбу Қонуннинг ҳаётга жорий қилиниши натижасида табиий муҳит ва экотизим мувозанатини сақлаш ҳамда унинг назоратини юритиш имкониятлари янада ошади. Шу билан бирга, норузда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш, ана шундай турдаги қазилмалар бўлган ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш, техноген минерал ҳосилаларни ишлашнинг доимий мониторингини олиб боришга шароит яратилади. Норузда фойдали қазилмалар ҳисобланган ер ости бойликларида фойдаланиш ва уни тасарруф қилишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади.

Айни чоғда минерал хом ашёга бўлган талаблар ва бошқа шу каби эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан самарали ва комплекс фойдаланишни, ер қаъри ва атроф-муҳит муҳофаза этилишини, ер қаъридан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди. Энг муҳими, фойдала-

нувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилишига қўшимча қилади. Қолаверса, лицензияланаётган ушбу фаолият тури, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказилишининг олдини олиш ва унинг тартибга солинишини мустаҳкамлайди.

Хулоса ўрнида айтганда, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар норузда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаб берадиган таъсирчан ҳуқуқий механизмни яратди.

**Ш. ҲАЙДАРОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси аъзоси.

# «ICN» САҲИФАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН САЛОҲИЯТИ ҲАҚИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Араб наشري юртимизнинг кўҳна ва бой тарихи мавзусига мурожаат қилар экан, заманимизда ўз даврида Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Кўшон хонлиги сингари қудратли давлатлар шаклланиши ва гуллаб-яшнаганини таъкидлайди. Хусусан, журналда келтирилишича, “Европа ҳамда Осиёни боғловчи Буюк Ипак йўли ушбу мамлакат ҳудудидан ўтган”. Шу билан бирга, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом ал-Бухорий сингари жаҳон цивилизацияси раванқига салмоқли ҳисса қўшган қатор буюк олим ва мутафаккирлар тўғрисидаги мустахсар маълумотлар ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола қилинган.

Бундан ташқари, мақолада Ўзбекистонда таълим соҳасига катта эътибор қаратилаётганига ҳам атрафлича ўрин берилган. “Ҳар йили давлат бюджетининг яри-

дан кўпи мамлакатда таълим тизимини такомиллаштиришга йўналтирилади. Ўзбекистоннинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим ва тарбиянинг барча босқичларини ўз ичига олган. Республикада иқтидорли ёшларнинг базавий ва маънавий билим олишлари учун аниқ мақсадга қаратилган давлат дастурлари ички амалга оширилмоқда”, дея ёзилади “ICN” журналарида.

Шунингдек, журналда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида кечаётган жараёнлар ҳам атрафлича оқиб берилган. Хусусан, нашрда республикамизда экспорт ва импорт ўсишига оид маълумотлар келтирилган экан, импорт тизимида асқоб-усқуна ҳамда технологияларнинг улуши ошиб бораётгани, бу эса мамлакатда кечаётган техник ва технология модернизациялаш, юксак технология асосланган янги ишлаб чиқариш жараёнларидан далолат бериши таъкидланади.

“Жаҳон АА” Абу-Даб

дий инқирозига қарамай, Ўзбекистон нафақат унинг жиддий оқибатларини бар-тараф этишга, балки иқтисодий ривожланишнинг юқори барқарор суръатларини қўлга киритгани ҳолда, макроиктисодий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлди”, деб ёзилади журналда.

Мақолада Ўзбекистон ўзининг транспорт-коммуникация мажмуини фаол ривожлантираётгани ҳам алоҳида таъкидланади. “Ўзбекистон транспорт сиёсатининг асосий йўналишлари халқаро транспорт коммуникацияларига интеграциялашув, транзит юклар ташилиши учун самарали халқаро йўналишларни ривожлантириш, транспорт мажмуини модернизация қилиш ҳамда транзит салоҳиятини янада юксалтиришдан иборатдир”, дея ёзилади “ICN” ишбилармонлар оммабош журналарида.



# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САНОАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

— Мазкур лойиҳа Маҳаллийлаштириш дастури асосида амалга оширилди, — дейди завод директори Бектемир Муродов. — Шунга уйғун тарзда бир кунда 400 дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга линия фойдаланишга топширилди. Натижада касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун олти мишта янги иш ўрни яратилди. Жамоамиз йил охиригача истеъмолчиларга

5000 та микротўқинли печ етказиб беришни мақсад қилган.

Айтиш лозимки, заводда тайёрланаётган икки хил русумдаги маҳсулотлар нисбатан арзонлиги, ичма-лиги, энергия тежамкорлиги, экологик жиҳатдан тозаллиги, қулайлиги, чиройли эга линия фойдаланишга топширилди. Натижада касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун олти мишта янги иш ўрни яратилди. Жамоамиз йил охиригача истеъмолчиларга

тиёзлардан унумли фойдаланиб қўшимча иш ўринлари яратиш ҳамда 2012 йил давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминин олти миш минтага етказишни режалаштирган. Бу эса “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлигининг жаҳон бозорига янада оммалаштиришга, ўрни ва нуфузи эса мустаҳкамлашишида муҳим омил бўлади.

**Сейиджон МАХСУМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.  
**Ҳасан ПАЙДОВ**  
олган суратлар.

# ОЛИЙ ҲЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини самарали юритиш учун керакли мол-мулкка эга бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар уни бошқа шахслардан вақтинча фойдаланиш учун олиши ва шу йўл билан ўз эҳтиёжини қондириши мумкин. Мулк эгаси (ижарага берувчи) ўз мулкни бошқа биров (ижарачи)га ишлатиш ва фойдаланиш учун берар экан, ҳар иккала тараф ҳам фойда олишни кўзда тутадилар. Шу боис улар ўртасида шартнома тuzиладилар. Бу ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзларига тегишли мол-мулкдан тўла фойдаланиши учун қулай имконият яратадилар. Юртимизда мулк ижараси, прокат шартномаси, транспорт воситалари ижа-

раси шартномаси, бинолар ва иншоотлар ижараси шартномалари кенг қўлланилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳўжалик судларида кўрилатган ишларнинг катта қисминини мулк ижараси шартномаларидан келиб чиққан низолар ташкил этади.

Ушбу низо ва келишмовчиликларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Ижара тўғрисида”ги ва “Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Мажлисида қўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА мухбири.

# Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия соҳасини ривожлантириш агентлиги, Банклар ассоциацияси ҳамда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма қассалари фонди томонидан “Жамғармалар мобилизацияси ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш” мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

Семинар

Президентимизнинг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори доирасида ўтказилган мазкур семинарда Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирилари, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” жамғармаси, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, банк-молия тизимида жамғарма ишларини самарали ташкил этишда фоиз ставкаси, даромадларни солиққа тортиш, омонатларни ҳимоялаш кафолати, омонатчилар ҳуқуқи, аҳолининг молиявий саводхонлиги, инфляция, нақд пул билан таъминланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис анжуман иштирокчилари инвестицияларнинг ички манбаси ҳисобланган жамғармаларнинг иқтисодий

Ҳуқуқий асосида аҳоли жамғармалари банкларда юз фоиз кафолатланган ҳолда сақланиб, улардан олинадиган даромадлар солиққа тортилмаслиги, муддатли омонатларнинг исталган вақтда тўлиқ қайтарилиши таъминланапти. Шунини ишонч билан айтганимиз, бу таъбир ҳам айрим ривожланган давлатларда ҳам мавжуд эмас. Табиийки, бундай енгилликлар, ўз навбатида, банклар ва аҳоли ўртасидаги ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, жамғарма ишларини самарали йўлга қўйиш, замонавий жамғарма турларини ишлаб чиқиш учун молия муассасалари мутахассисларининг билим ва таъбирларини ошириш, банкларга аҳоли бўш пул маблағларини кенг жалб этишининг самарали усуллари юзасидан фикр алмашилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ.



2011 йил — Кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорлик йили

Маълумки, Кува азал-азалдан тадбиркор ва ишбилармонлар, хунарманд ва қандакорларнинг энг қадимий манзилларидан бири бўлиб келган. Қуванинг Шахристонни, яъни шаҳар марказида қазилма ишлари асносида топилган осориатикалар, хунармандчилик намуналари шундан далолат беради.

Айниқса, мустақиллик йилларида мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан руҳланган қуваликлар отабоболари ишини янада тақомиллаштиришмоқдалар. Айни пайтда туманда салкам 2800 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётгани, шу йилнинг ўтган даври мобайнида 91 кичик корхона ташкил этилган, шундан 31 таси аёллар тадбиркорлигига йўналтирилганлиги бунинг тасдиғидир. Натижада кишлоқ жойларида 180 та иш ўрни яратилган бўлса, бугун унинг 115 тасида хотин-қизлар меҳнат қилаяпти.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши зиммасига юксак масъулиятни юклатди, — дейди туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Алишер Комилов. — Буни чуқур ҳис этган ҳолда, ту-

да 310 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди. Қарийб 2000 га яқин фуқарога эса ишга жойлаштириш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ҳафтада бир ўтказилаётган "Очик эшиклар кўни" ҳам ўз самарасини бераётди. Туман прокуратураси томонидан кичик бизнес ва хусусий тад-



«Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ва қонуندا кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан).

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

манимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эркинликларини қаролатлаш, уларнинг бизнесларини ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш бериш, турли хил тўсиқларни бартараф этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириб келаямиз. Бу жараёнда аҳолини, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш, иш юритишни шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратаймиз. Мисол учун, айни шу мақсадда беш марта меҳнат ярмаркаси уюштирилди. Мазкур тадбирларда 159 та корхона 753 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Пироварди-

биркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган "Ишонч телефони"га мурожаат қилувчиларнинг сони ҳам тобора ортаётгани қувонарлиқдир. Масалан, шу қулай алоқа воситаси орқали мурожаат этган "Экмасан" хусусий кўп тармоқли иссиқ-соч ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Музаффар Носировнинг мумалоси ижобий ҳал этилди. "Буюк Шердор Гулэра" хусусий корхонаси раҳбари Шухрат Комилов эса ота-боболарининг азалий касби — қуллоқликни йўлга қўйиш учун "Пилла" масъулияти чекланган жамиятига қарашли бинонини сотиб олиб, замонавий дастгоҳларни ўрнатган экан.

Бирок туман газлаштириш идораси маъмурияти шартнома талабларига риоя қилмай, корхона табиий газ тармоғидан узиб қўйибди. Шундан сўнг тадбиркор "Ишонч телефони"га хабар қилгач, мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси газлаштириш идорасига тақдимнома киритган эди, кўп ўтмай, бу ерда ишлар юришиб кетди. Шартнома талабларини бажармаган шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилган тадбиркорлар Шерзод Отажонов ҳамда Давлат Розиковнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам тикланди. Уларга тадбиркорлик фаолиятла-

рини янада ривожлантириш, экспортбop истъомол товарлари ишлаб чиқариш учун қулай муҳит яратиш берилиши таъминланди.

Айни чоғда турли сабабларга кўра, ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган тадбиркорлик субъектларининг муаммолари ҳам атрофлича ўрганиб чиқилаяпти. Нима учун фаолият юритмаётганлигини сабаблари аниқлашиб, бу ҳақдаги ҳужжатлар туман ҳокимлиги ҳузурдаги махсус комиссияга тақдим этилаяпти. Шундай ижобий ёндашув туфайли 12 та тадбиркорлик субъектида ишлар яна жонланиб кетгани диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, республикада тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатлари ҳамиша устувордир. Бунга жавобан эса улар юрт равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

«БИЗ – БУЊЁДКОР ХАЛҚМИЗ»

Тошкент Фотосуратлар уйида «Биз – бунёдкор халқимиз» деб номланган энг сара суратлар танловининг якуний кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Бадиий Академия ҳамда Республика Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланди.

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, юртимизда санъат соҳаси ривожига қаратилаётган юксак эътибор туфайли ижод аҳли янгидан-янги ютуқлар сари интилоқда. Жумладан, фотосурат усталари ижодида ҳам бугун замонавий услуб ва аъёнлар асосида бетакрор асарлар яратилаётди. Кейинги йилларда ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаятган янгилиниш ва ислохотлар, шижоатли замондошларимизнинг яратувчанлик салоҳияти, буюк ўтмишимиздан мерос бебаҳо қадриятлар тараннуми, санъатнинг бошқа турлари сингари фотографияда ҳам таъсирчан услублар воситасида ёрқин акс этирилмоқда.

Кўргазмдан ўрин олган фотосуратлар билан яқиндан танишиш асносида эътиборни йўғириб, мамлакатимизнинг энг олис қишлоқлари-ю, гузал Тошкент маностуларига бари-бари фотосуратчи раҳбарлар билан биргача фото-рассом учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилганлигини сезиш қийин эмас. Шу боис фотосуратчи раҳбарлар, кенг ва раван йўллар, маҳобатли кўприклар, файзли хонадонлар мухташам ишюотлар тасвири санъат илҳосмандларига ҳам унутилмас таассуротлар ҳада ятади.

Фототанлов якунида энг сара асарлар муаллифлари — голиб ва совридор иштирокчиларга диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Муборак ОХУНОВА.

Реклама ва эълонлар



Европа Иттифоқи бюджетидан молиялаштирилаётган «Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш» лойиҳаси 2011 йил 27 сентябрдан Ўзбекистонда ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан жиноятчилик соҳаси бўйича қандайдир 2 йил иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали юристлар ишга таклиф этилади.

Номзодлар инглиз, рус ва ўзбек тилларини мукаммал даражада билишлари шарт. Француз ёки немис тилини билиш маълумланади.

Ўзингиз ҳақидаги маълумотларни қуйидаги электрон манзилга 2011 йил 7 декабргача юборинг: nodir.radjabov@gmail.com

The new EU-financed project «Support to Criminal Judicial Reforms in Uzbekistan.» has begun its activity on September 27, 2011.

The project requires highly qualified legal professionals with least 2 years work experience in Criminal Law.

Professional knowledge of English, Russian and/or Uzbek language is obligatory. Knowledge of French and/or German is desired.

Interested candidates should please send their CV to: nodir.radjabov@gmail.com until December 7, 2011.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

қуйидаги вакант лавозимларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга таклиф этади:

Гуманитар-иқтисодий фанлар кафедрасига:

• Инглиз тили фани бўйича ўқитувчи — 1 ўрин.

Табий-математика фанлари кафедрасига:

• Кимё фани бўйича доцент — 1 ўрин.

• Чизмачилик ва чизма геометрия фани бўйича катта ўқитувчи — 1 ўрин.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Италиянинг Турин политехника университетида қуйидаги фанлар йўналиши бўйича аспирантурага (PhD) ва илмий стажировкага (Postdoc) танлов эълон қилинади:

- машинасозлик технологияси;
• ахборот технологиялари ва АБТ;
• саноат-фуқаролик қурилиши ва архитектура;
• табий фанлар (физика, математика ва кимё).

Аспирантура ва илмий стажировкага ҳужжатлар 2011 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Батафсил маълумот олиш учун университет ходимлар бўлимига ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 246-20-53, 246-10-18.

Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли, 17-уй.

Тошкент давлат техника университети

«Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 29 сентябрь 188 (5355)-сонида компьютер техникаси сотиб олиш бўйича эълон қилинган тендернинг бадиий раҳбари Наби Абдурахмоновга волидаи муҳтарамаси

ОҚИЛА яқининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Инвестиция ва капитал қурилиш бўлими бош мутахассиси Абдуваҳоб Қарчиғаева волидаи муҳтарамаси

Вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси яраси Анвар Ниёзова укаси

Ақбар НИЁЗОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Бухоро вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси яраси Анвар Ниёзова укаси

Ақбар НИЁЗОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Интилиш

Гулистон туманида тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 2011 йил тўғрисида 5 миллиард 313 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Натижада 740 та иш ўрни яратилди.

Саховатдан эл баҳраманд

Тадбиркор Шокиржон Ниёзов ҳам банкнинг 95 миллион сўмлик кредити ҳисобига ўз қорвачилик ҳужалигини йўлга қўйди. Ҳозир унинг фермасида 100 бошга яқин қорамол ва қўй парваришланмоқда. Етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотлари эса аҳолига арзон нархларда сотилаяпти.

Ш. ХОЛМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФЕРМЕРНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНАСИ



Қишлоқ жойларда саноатнинг изчил тараққий этишида тадбиркорлар ҳамда ташаббускор фермерлар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳаларнинг аҳамияти катта.

Нукус туманилик Есен Айтмуратов ҳам мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган юксак имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ўзи раҳбарлик қилаётган "Қўнғиротбой-Мехри" фермер хўжалиги фаолиятини кенгайтирди. Пировардида 78 минг АҚШ доллари эвазига мазкур хўжалик қошида бир кеча-кундузда 500 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга кичик корхона ишга туширилди. Айни пайтда бу ердаги Италиядан келтирилган технологик ускуналар қишлоқ ёшлари томонидан бошқарилмоқда. Корхонада 1 литрлик идишларга қадоқланаётган сифатли сут маҳсулотлари тумандаги мактабгача таълим-тарбия масканлари ҳамда соғломлаштириш муассасаларига етказиб берилаяпти.

Эътиборлиси, янги корхона шарофати билан фермер хўжалиги жамоаси 55 нафарга етди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

СУД ИСЛОҲОТЛАРИ ВА КАСБИЙ МАЛАКА

мавқеини ошириш, одил судлов таъминлашнинг тақомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноий жазони либераллаштириш изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, ўтган даврда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиши ҳисобига одил судлов сифати яхшиланди. Ишларни кўриб чиқиш бўйича апелляция институтини жорий этилиб, касасация институтини ислоҳ қилинди. Айни чоғда суд жараёнида ҳимоя ва айблов томоннинг тенглигини таъминлаш механизми яратилди.

Анжуман

тидан чиқарилди. Ҳозир ушбу вазифани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси бажараяпти. — Суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида судьялар ва суд ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди

Олий суд ҳузурдаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази масъул ходими Шермуҳаммад Саидов. — Шу боис бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётди. Жумладан, умумий юрисдикция судлари тизимида судьялик лавозимлари захирасига олинган номзодларни қайта тайёрлаш мақсадида Олий суд ва Олий хўжалик суди ҳамда Республика юристлар малакасини ошириш маркази томонидан уч ойлик ўқув курслари ташкил этилди. Уни муваффақиятли тамомлаган номзодларга тегишли сертифик-

катлар берилмоқда. Бундан ташқари, республикадаги барча судларнинг суд мажлиси котиби, маслаҳатчи, девонхона мудир ва бошқа мутахассисларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Қолаверса, судья ва суд ходимлари иштирокида ўтказиб келинаётган минтақавий ўқув-семинарлар ҳам уларнинг билим ва кўникмаларини бойитишда қўл келмоқда.

Анжуманда, шунингдек, судьялар ва суд ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:
ПРОФЕССОР:
Махсус фортепиано (1), Оркестр чолғу ижрочилиги (1), Мусиқа тарихи ва танқид (1), Эстрада чолғу ижрочилиги (1).
ДОЦЕНТ:
Халқ чолғуларида ижрочилик (2), Камер мусиқаси ва жўрнавозлик маҳорати (1), Умумий фортепиано (1), Махсус фортепиано (1), Тиллар кафедраси (1).
КАТТА ЎҚИТУВЧИ:
Мусиқа тарихи ва танқид (2), Аъёнвий ижрочилик (1), Академик хор дирижёрлиги (1), Мусиқий шарқшунослик (2), Ижтимоий-сиёсий фанлар (1).
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими.
Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
2011 йил учун стажёр-тадқиқотчи-изланувчи бўлимига қабул эълон қилади:
17.00.02 — Мусиқа санъати (кундузги шакл — 1 ўрин)
Ҳужжатлар 2011 йил 5 декабргача қабул қилинади.
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон давлат консерваторияси.
Телефон: (8-371) 244-95-09.
«ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР
ООО «Коммерческие автомобили» - Группа ГАЗ» расмий айлери «Transneftkomplekt» ташкилоти
Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz
Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км
Улғуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Бўғуртма асосида

«Росагропромснаб» МЧЖ
ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
ЭЛЕКТРОН ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
УБСГ 001 (G4, G6, G10), АГАТ (G16, G25), ГОБОЙ-1 (G10, G25, G65)
ГОБОЙ-1 УБСГ001 АГАТ
• 5 м³/соат дан 500 м³/соат гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
Махсулот сертификатланган.
Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, «Ц» даҳаси, 6-уй. (мулжал — «Шухрат» дуқони жойлашган чорража)
«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



**Жиззах вилояти ўзининг моддий ва маънавий салоҳияти, ишлаб чиқариш кўлами ва деҳқончилик маҳсулотлари етказиш бўйича юртимиз халқ хўжалигида салмоқли ўринга эга.**

**Ислон КАРИМОВ.**



# Водичиларнинг кезгачида...

Юртимизнинг қадимий воҳаларидан бири Жиззах истиқлол йилларида ҳар томонлама тараққий топиб, гуллаб-яшнади. Саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ таълими, хунармандчилик тармоқларида улкан яратувчанлик, беқийс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва оширилмоқда. Бугунги саҳифамиз

## Жиззах

вилоятнинг давр билан баравар қадам ташлаётган меҳнаткаш ва фидойи кишилари ҳақида.

**Жиззахда, ер сатҳидан роса юз метр балангликда жойлашган**

**Етимтоғнинг қоқ тепасидаги**

**“Шамол тегирмони” оромгоҳидан туриб,**

**шаҳарни томоша қилар эканмиз, осмонга осиклик**

**“тегирмон”ни эслатувчи бу иншоот ўзига хос дизайни**

**билан эътиборимизни тортди.**

**— Бу бинони Абдуҳабиб Азимов бошлиқ “Иморат — АДА” фирмаси**

**жамоаси бунёд этган, — дейишди бизга.**

# БЕБАҲО ХАЗИНА

А. Азимов. — Ҳозир яна икка та янги лойиҳамиз тайёр. Улар ҳаётга татбиқ этилган, шу пайтгача хориждан валюта эвазига олиб келинаётган ўта ноёб заргарлик гипсларни ҳамда қуруқ қоришмаларни ишлаб чиқаришга киришамиз.

айлантирмамоқчимиз.

Биласизми, ҳозирги тўйхоналарда овоз кучайтиргичи шунчалар баландлиги бўлиши, шовқин шунчалар кучлики, тўйга келган одам ҳордиқ чиқариб, яйраш ўрнига каттиқ

столга оҳиста товуш чиқарадиган махсус ускуна ўрнатилади.

Саховатли еримизнинг усти ҳам, ости ҳам бойлик. Ҳар бир дов-дарактимиз, ҳар бир гул-ғиёҳимиз, она-заминимизнинг ўзи битмас-туганмас хазина. Хали фойдаланилмаётган, навбат кутиб турган имкониятларимиз кўп. Ҳозир ҳаёлимда янги гоёлар айланиб юрибди. Шуллардан биттагинисини айтиш. Эътибор берганмисиз, оддий ғўза барги таркибидан лимон кислотаси кўп. Биз эса бундай кислотани четдан сотиб олаёلمиз. Агар ғўза баргини дефоляция қилиш ўрнига, териб олиб, қайта ишласак, у ноёб, қимматбаҳо хом ашёга айланади.

Азимов билан йўл бошида хайрлашдик.

Абдуҳабиб ака ҳали гап орасида юртимизга, табиатимизга таъриф бериб, “Ҳар бир дов-дарактимиз, ҳар бир гул-ғиёҳимиз, она-заминимизнинг ўзи битмас-туганмас хазина” деганди. Дарҳақиқат, бу бебаҳо хазина авайлаб-асраш, уни кашф этиш, ўзига мақсад йўлида фойдаланиш Абдуҳабиб Азимов каби тадбиркор, изланувчан, ташаббускор кишиларга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шундай эмасми?

**Али ЗИЁДОВ,**

**“Халқ сўзи” муҳбири.**

**“Фаллаорол асали” хусусий фирмаси раҳбари Бердиёр Кулжонов бу йил илк бор ўзи етиштирган асалдан бир қисмини Кунчиқар юрт — Японияга экспорт қилди.**

## ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

АСАЛАРИЧИЛИК

Жиззахда Бердиёрга ўхшаган миришкор асаларичилар оз эмас. Форишлик Тўйчибой Олимов, зоминалик Тоҳир Маматкулов сингари асаларичиларни, улар етиштираётган шифобахш асаларини бугун Жиззахдагина эмас, хорижий юртларда ҳам яхши билишади. Моҳир асаларичилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Янгибодлик Турғун Азизов ўтган йили банкдан кредит олиб, ўз фаолиятини бошлагани эди. Дастлабки йиллик у бир тоннага яқин асал етиштириб, кредит ҳаражатларини тўла қолди. Бу йил эса қаровидаги асалари оилаларини кўпайтириб, уч тоннадан ортиқ шифобахш асал етиштиришга эришди.

Вилоятда асалари боқишга қулай тоғ ва адир-

лар сароб эмасми, шунинг учун ҳам бу соҳани ривожлантириш мутасаддиларнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Айни пайтда Жиззахда асаларичиликка ихтисослаштирилган 30 дан зиёд фермер хўжаликлари, 500 дан ортиқ шахсий хўжалиқлар фаолият кўрсатмоқда. Уларни қўллаб-қувватлаш, соҳани янада тараққий эттириш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилининг ўтган даврида 225 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Асал етиштирувчи хўжалиқларни зарур ашёлар билан таъминлаш учун “Хўжрон-Меҳроҳ” ҳамда “Шифо асал сервис” кичик корхоналари ташкил этилди. Энг сифатли, шифобахш тоғ асалини топиб кўрмоқчимиз, Жиззахга келинг!

**Л. АДИЛШАЕВА.**

## Бизда... айни баҳор

Юртимизга қумуш қиш ташриф буюрди. Бу фаслнинг ўз кўри ва зийнати бор. Бизнинг мўъжазгина жамоамиз учун қиш айни меҳнат фасли, яшнатили, яратили фасли, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

ЯХШИНИЯТ

Боиси, мустикал диёримизда тадбиркорликка кенг йўл очилганидан фойдаланиб, 4 гектар майдонда иссиқхона хўжалигини йўлга қўйганмиз. Шундан 2 гектарда лимон, қолганда эса бодиринг, помидор ва турфа хил кўкатлар етиштиришимиз.

Шу кунларда қиш бўлсада, бизда айни баҳор. Лимонларимиз гуллаб, мева тугаяпти. Яшиллаб озиқлантирилиб, суғорилган бодиринг, помидорларимизга ранг кириб, қиш дастурхонига тайёр бўлиб қолаёзди. Жамоамизда ўттиздан зиёд ёшлар меҳнат қилади. Улар кечаги коллеж ўқувчилари, ўз ҳаёт йўлини эл-юрт маъмуричилиги билан боғлаган оловқалб ёшлар.

Қиш мобайнида шаҳарликлар дастурхонига 50 тонна лимон, 100 тоннадан зиёд бодиринг, помидор ва турфа танга дармон кўкатлар етиштириб бериш ниятидამиз.

**Маъмур АХРОРОВ,**  
Фермер.  
Жиззах шаҳри

**Унинг исми Дилноза, фамилияси Туропова. Уста хунармандлар авлодидан. Ота-боболари дурадгор, наққош, ёғоч ўймақори бўлишган. Дилноза — ана шу катта сулоланинг бешинчиси, яъни кенжаси.**



**— Оилада тўрт фарзандимиз, — дея хикоя қилади у. — Опам Азиза расом бўлса, синглим Дилфуза — кандакор. Укам Миралшер ҳали кичик бўлишига қарамай, турли ўйинчоқлар ясади. Ўзимга келсак, опа-укаларимиздан ўзгачароқ хунар этагини тутдим: кулоллиққа қизиқдим...**

## Истиқлол тенгдошлари

— Ушанда бу қизчанинг оддий лойдан ясаган буюмларини кўриб, унинг тугма истеъдод эгаси эканлигини сезгандик, — дейди марказ раҳ-

# Кулол қиз яратган мўъжиза

барни, “Йил аёли — 2011” танловининг вилоят босқичи ғолиби Захрон Мўминова. — Дилноза келгач, кулоллик тўғраганининг ишлари жонлана кетди. У бу тўғрақда хавасманд болаларни атрофига тўплаб, бири-бирдан чиройли совға буюмларини ясай бошлади. Ҳам ўрганди, ҳар ўргатди.

Тиришқоқ қиз мактабни тамомлаб, Жиззах педагогика институти қошидаги академик лицейда ўқиб юрган кезларида ҳам марказ билан алоқасини узмади. У ва тенгдошлари қўлидан чиққан турли кулоллик буюмлари — мўъжаз

лаганлар, кўзалар, гултувақлар, мини-атюра асарлари туман, вилоят микрорайонларидаги кўрик-танловларда мутахассислар эътиборини тортди.

Бундан икки йил муқаддам Дилноза Бухорода бирмунча вақт яшаб, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, уста кулол Баҳром Гулиевдан миллий кулоллик сирларини ўрганиб қайтди. “Ташаббус — 2009”, “Ташаббус — 2010” кўрик-танловларининг туман ва вилоят

толиқади, асабийлашади. Мутахассислар 40 децибелдан юқори шовқин инсон асаб толаранин издан чиқаришини аллақачон исботлашган. Ҳатто, рок муסיқаларидан сўнг инсон уч кун ўтиб ўзига келаркан. Бизнинг бу янги тўйхонамиз шовқин-сурондан мутлақо холи, ўзига хос, замонавий тўйхона бўлади. Ҳар бир

босқичларида қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган Дилноза “Ишбилармон ўқувчи — 2011” танловининг вилоят босқичида мутлақ ғолиблиқни қўлга киритди. Айни бир вақтда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Менинг бизнес ғоям” танловида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқига эга бўлди.

— Бизнес-режангизда қандай ишларни амалга оширишни кўзлагансиз? — саволга тутамиз Дилнозани.

— Тарихий ва мейморлик обидаларни таъмирлаш учун сопол маҳ-

сулотлар ишлаб чиқаришни, кулолликда ўзига хос санъат асарлари яратишни ҳамда кишлоғимиз, маҳалламиз ёшларига шу касб сирларини ўргатишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим, — дейди у. — Шу ниятда банкнинг кредити эвазига дадамнинг ёрдамлари билан ҳовлимизда худдон қурдик. Айни кунларда опа-укаларим билан биргаликда туманамиз ва вилоятимиздаги қайта таъмирланаётган зиёрат-

гоҳларга турли безак материаллари, сопол маҳсулотларини етказиб бераёلمиз.

Ёш, иқтидорли кулол Дилноза Туропова томонидан ишланган кулоллик материаллари, безак буюмларидан Жиззах, Зарбдор, Фориш, Фаллаорол туманларидаги зиёратгоҳларни таъмирлашда кенг миқсда фойдаланилаётгани эътиборга лойиқдир.

— Энди кулоллик устaxonамиз қошида “Устоз — шогирд” мактабини очмоқчимиз, — дейди Дилноза.

**З. АЛИЕВ.**

# МЕҲРДАН ЖИЛОЛАНГАН ГИЛАМЛАР

Кўшма корхонамиз — истиқлол шарофати билан вилоятда бунёд этилган ўнлаб саноат корхоналаридан бири. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида кенг кўламли модернизацйялаш жараёнларини амалга оширмамоқчимиз.

650 минг еврога Бельгиядан замонавий ускуналар олиб келиб, ишга туширдик. Шу тариқа корхонамизда йилга 1 миллион квадрат метр ҳажмдан иборат 15 турдаги юқори сифатли гилам маҳсулотлари, 1250 тонна поли-

пропилен иплари ишлаб чиқариш қуввати ҳосил қилинди. Кўшимча 20 та иш ўрни яратилди.

## Интилиш

Айниқса, 4-5 метрлик ранго-ранг гиламлар, гилам пойандозлар, совға гилам-чаларимиз бугун нафақат ички бозорда, балки хорижий юртларда ҳам харидорғир. Ҳар ойда 100 минг АҚШ долларилек маҳсулотни экспорт қилаёلمиз.

**Мўминжон МАНСУРОВ,**  
**«Евро Азия Карпет»**  
**кўшма корхонасининг**  
**тижорат бўйича директори.**

**БИЗНИНГ ШАРҲ:** Жиззах вилояти мустикаллик йилларида саноати тараққий этган индустриал воҳага айланди. 2006 йилда бу ерда жами 145 та саноат корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида уларнинг сони 1030 тадан ошгани, 2009 — 2012 йилларда Жиззах вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш бўйича худудий Дастурга кўра, бу йил умумий қиймати 1,9 миллиард сўмлик ва 45 миллион АҚШ долларилек 130 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш, 3516 та иш ўрни яратилиш белгилангани бунинг ёрқин тасдиғидир.



**Осмоний яйловлари Фориш кенгликларида бошланиб, то Айдарқўлчага қўзғилиб кетган. Туман марказидан Узунқудуқ, Ухум қишлоқлари томон юриб, қун чиқиб тарафга қарасангиз, Айдарқўл қилич дамидек яттираб қўрилади. Уштин-ўштин ерда қўй-қўзилар яйраб юради. Аммо... Бу йил, тўғриси, жониворларнинг яйрашига, хоҳлаган ўт-ўланани ейишига имкон бўлмади.**

# Осмонсой бургути

Қиш қишлигини қилмади-да. Қор қам тушди, устига-устак, баҳор ҳам қуруқ келди. То ёз ўрталаригача кўм-кўк бўлиб, яшнаб ётадиган яйловлар қўқлаб адоғидек қовжираб қолди. Булоқ сувлари тортилиб кетганини айтмаймизми? Чўпон-чўлиқларнинг бир машаққатига минг машаққат қўшилди.

— Қўзнинг сўнгги ойда ёққан ёмғир, қор айни муддао бўлди, — дейди Рашид чўпон. — Қавс сувиға тўйган замин баҳор келиши билан яшнаб кетади. Яна айтишларича, қишда ёнгирчилик сароб бўлармиш. Бу эса ризқ-рўз дегани, чорванинг ривожли дегани...

Рашид Қурбонов — миқти гавдали, қорамғиздан келган дўлвор йигит. Нигоҳлари ўткир. Синчков. Ҳозир биз билан Осмонсойнинг этагида гурунлашиб ўтирибдую икки кўзи яйловда, оқсиллаб бораётган отарида. Отаси Ади Қурбоновдан чўпонлик

таёғини қабул қилиб олганига бу йил роппа-роса 19 йил тўлди. Қаровида 506 беш совлиқ бор. Бари зотдор, қоракўл қўйлари. Рашид чўпон бу йил 405 беш қўзи олиб, қўзилардан 20 фозини терига топширди. Ҳар беш қўйдан 2,2 килограммдан жун қирқиб олди.

— Мол-жон омонми? Тиркичилик қалай? — ҳолаҳвол сўраган бўламиз.

— Шукр, — дейди у. — Қишни қиш, ёзни ёз демаяк, чорва ортидан юриб, кам бўлмаймиш.

Меҳнатимиз раббат топапти. “Шухрат” медали беришганида. Кейинроқ эса “Меҳнат шухрати” ордени билан сийлашди. Қолаверса, янги йўл соддиқ, машинали бўлди.

— Қишлоғи ҳозирлик дегандек... — Кўрамиз бу ердан ўн беш чақирим олисдаги Айдарқўлқудда. Таъмирлаб, ўтин-чўп жамғариб қўйганмиз, — дейди қўлини қускига қўйиб чўпон. — Уэр, энди мен сурувдан хабар олай...

Рашид чўпон шундай дея отига чаптастик билан минди-да, живонини силтади. Шунки кутиб тургандек, қорабайир яйлов бўйлаб елдек учди. От устида олдинга интилиб бораётган чўпон йигит шу тобда кўкда парвоз қилаётган чўл бургутига ўхшарди...

**Р**ашид чўпон шундай дея отига чаптастик билан минди-да, живонини силтади. Шунки кутиб тургандек, қорабайир яйлов бўйлаб елдек учди. От устида олдинга интилиб бораётган чўпон йигит шу тобда кўкда парвоз қилаётган чўл бургутига ўхшарди...

**У. АДИЛОВ.**

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 187,1 ▲ +1,4	ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 176,7 ▼ -3,6	АРМАТУРА 3668,4 ▲ +36,0	ШИФЕР (1 лист) 14757 ▼ -46	АЗОТ. ФОСФОР ҲҒИТИ 370,1 ▲ +0,5	Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.
---------------------------------	----------------------------------	-------------------------	----------------------------	---------------------------------	---

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — М. Охунова.  
Мусахҳачи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5